



“ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА
ЭНЕРГО-РЕСУРС ТЕЖАМКОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ”
мавзусидаги Халқаро илмий-амалий анжуман

3-4 октябрь 2018 йил, Андижон

“ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ РАБОТЫ СОВРЕМЕННОГО
ПРОИЗВОДСТВА И ЭНЕРГО-РЕСУРСОСБЕРЕЖЕНИЯ”

Международная научно-практическая конференция

3-4 октябрь 2018 года, Андижан

"PROBLEMS OF IMPROVING THE EFFICIENCY OF WORK OF MODERN
PRODUCTION AND ECONOMY OF ENERGY-RESOURCES"

International Scientific and Practical Conference

October 3-4, 2018, Andijan

МАТЕРИАЛЛАР ТҮПЛАМИ

4-ШҮЎБА





**“ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
ИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА ЭНЕРГО-РЕСУРС
ТЕЖАМКОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ”
МАВЗУСИДАГИ
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

**IV
ШЎЪБА**

3-4 октябрь 2018 йил, Андижон

Андижон -2018




Рисунок 5b: Различные значения вязкости для различных состояний масла при 40 ° C; подробно

Данные вязкости также были получены при 100 ° C и, опять же, наблюдается дифференциация в различных состояниях состояния масла (см. Рис. 6). При данных вязкости, полученных при нескольких температурах, возможно определение состояния масла и проверка его работоспособности.

ЯПОН БОШҚАРУВИДА ГЕМБА ВА КАЙДЗЕН

Мирзаев С. А. Андижон машинасозлик институти

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарт ҳисобланади.

Жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар, замонавий бошқарув усул ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш ҳозирги кунда муҳим омиллардан бири бўлиб келмоқда.


Юқоридагидан келиб чиқиб, мен сизларга замонавий бошқарув усулларида бири бўлмиш “Гемба Кайдзен” ни тушунтириб ўтаман.

Гемба бу - япончадан таржима қилинганда “аниқ жой” деган маънони англатади. Яъни шу харақати реал содир бўладиган жой маъносини билдиради. Японлар “гемба” сўзини ўзларининг кундалик нутқида кўп ишлатадилар. Бу сўзни бизнесга алоқадорлиги шундаки, истемолчини қониқтирувчи ва қўшимча қиймат олиб келувчи барча харақатлар гембада содир бўлади. Ягона ишлаб

чиқаришда ишловчи кишилар ўртасида “гемба ” сўзи “кайдзен” сўзи каби машҳурдир.

Барча тижорат ташкилотларида асосан уч ҳаракатда, бу даромадларни режалаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сотишда даромад олиш учун хизмат қилади. Шунинг учун гемба кенг маънода мана шу уч ҳаракат содир бўладиган жой маъносини маъносини билдиради. Тор маънода эса гемба маҳсулот ёки хизматни ташкил этиш жойи деган маънода айтилади .


Гембада истемолчи талабини қондирувчи қиймат хар қандай маҳсулот ёки хизматга қўшилади ва компаниянинг гуллаб яшнаши учун хизмат қилади. Компания учун гемба қай даражада муҳим эканлигини қуйидаги схемада ташкилот юқорисида гемба жойлаштирилганлигини кўрсатади. Агар бошқарувчилар гембани ҳурмат қилишмас экан, бу улар учун барча ишларнинг чаппасига кетишига олиб келиши мумкин.



Ушбу гемба менежмент тузилмасида менежментнинг роли гембани қўллаб-қувватлашга тенглаштирилиши, яъни у бошқарув ва менежмент тузилмасида барча нарсдан юқори эканлиги кўрсатилган.

Менежмент гембанинг ўз хизмат фаолиятини янада яхшироқ бажаришга ёрдам бериш учун хизмат қилиши лозим. Шу жойда менежерлар қай даражада ўз вазифаларини тўлақонли тушуниб етадилар, деган савол туғилади кўпинча улар гембани яроқсиз маҳсулотни келтириб чиқаришнинг асоси сифатида қарайдилар ва улар ўзларини ушбу муаммолар учун жавобгар эканликларини хис қилмайдилар.

Баъзи ғарб компанияларида гемба обрўли касаба уюшмалари томонидан назорат қилинганлиги учун бошқарувчилар гемба ишига тортилишларидан ўзларини олиб қочадилар. Баъзан эса улар ўз корхоналаридан кўрқадиганга ўхшайдилар ва ўзларини фикрларини ўтказмайдиган корхоналарда ҳам гембада фақат уста фахрийларга истаган ишларини қилишга рухсат берилади. Бундай холларда менежерлар корхона ишларига нисбатан ўз таъсир кучларини йўқотадилар.



Юқоридаги схемада гембани менежмент муносабатларида гемба сиёсати ва ресурсларини бошқаришдаги менежментнинг роли кўрсатилган.

Эрик Махиелс талабалик чоғида Европадан Япон менежменти усуллари учун келади ва автомобиллар йиғиш заводига оператор бўлиб ишга жойлашади. Ўзининг ишини олдинги иши билан таққослаб, у шунга амин бўладики, Японияда оператор ва менежмент ўртасидаги боғлиқлик шу даражада юқори эканки, бу нарса улар ўртасидаги икки томонлама ахборот оқимининг тез суратларда амалга оширилишига олиб келади. Япон ишчилари кайдзендаги ўз ролларини жуда яхши тушунадилар. Шунинг учун конструктив ёндашув туфайли цехдаги иш натижалари анча самарали бўлиши кузатилади ва ишчиларга ўз ишларига нисбатан ғурур туйғусини уйғотади³⁴.

Гемба менежмент тузилмасининг юқорисида жойлашганлиги ўз ишларига садоқатли кишиларнинг жонбозлик билан ишлашларини талаб қилади. Ишчилар қалбига ўз ишларидан ғурурланиш ҳисларинини сингдириш ва ўз вазифаларини чуқур англариш бу гемба учун жавобгарлик хиссини ажралмас қисмидир.

Ресурслар бошқаруви нуқтаи назаридан ҳар куни гембада 2 хил ҳаракат ёнма-ён содир бўлади: бу хизмат кўрсатиш ва кайдзендир. Биринчи ҳаракат амалдаги стандарт талабларини бажариш билан боғлиқ бўлса, икинчиси эса амалдаги стандартни янада яхшилаш билан боғлиқдир.

Менежерлар гембанинг ана шу икки функциясини амалга ошириш билан шуғулланидилар, натижада сифат - харажатлар – етказиб бериш концепцияси ҳаётга тадбиқ этилади.

5S - Тозалик ва тартибга асосланган 5 япон (seiri, seiton, seiso, seiketsu, shitsuke) сўзидан олинган. Бугун ҳар қандай ишлаб чиқариш компанияси

³⁴ МАСААКИ ИМАИ. Гемба КАЙЗЕН, путь к снижению затрат и повышению качества. М.,2005. 27 стр.

бунга албатта катта эътибор беради. Гембанинг менежмент бўйича эксперти заводга ташриф буюрганининг бир неча дақиқасидаёқ диққат билан атрофни кузата туриб, у ердаги ҳолатга, айниқса мудани (муда-йўқотиш) бартараф этиш ва 5S қандай иш олиб борилаётганига дархол баҳо бера олади. 5S нинг йўқлиги шу корхонадаги ишлаб чиқариш паст даражада эканлигидан, муданинг бисёрлиги, тартиб-интизомнинг бўшлиги, паст сифат, сарф-харажатнинг юқорлиги ва етказиб беришининг ўз вақтида эмаслигидан далолат беради. Тозалик учун курашувчи бу беш пункт жаҳон стандартига жавоб берувчи маҳсулот чиқармоқчи бўлган ҳар қандай компания учун муҳим нукта хисобланади.

Европада автомобил йиғишни бошлашдан олдин япон ишлаб чиқарувчиси ўзининг харид бўйича менежерини Европадаги бир қанча тахминий етказиб берувчи корхоналарига юборди. Шунда, янги бизнеснинг янада ривожлантириш ҳақида ўйлаб, уларнинг бири истеъмолчиларнинг қабул дастурини ҳавола этди, бу сифатни такомиллаштиришга қаратилади бир қанча графика ва диаграммалардан фойдаланилган бир соатлик презентация билан бошланган эди. Сўнг иштирокчиларга гембага экскурсия қилишни тавсия этишди. Ташриф буюрган менежерлар эса конференция кун тартибига киритилган бир қанча тадбирларини ўтказиб юбориб, тезроқ гембага йўл олишлари кераклигини айтиб туриб олдилар. Заводга келганларида улар бу ерда атиги бир неча дақиқагина турдилар холос, бундан хайратланган бош директор улардан сўради: “Илтимос менга айтинглари, сизлар нимани аниқладингиз?” Харид бўйича менежерлар гуруҳининг жавоби шундай бўлди: “Биз заводда озодасизлик ва тартибсизлик ҳукм сураётганининг гувоҳи бўлдик. Бизга айниқса, линияда ишлаётган айрим ишчиларнинг ўз иш ўринларида чекаётгани умуман ёқмади. Агар сизнинг менежментингиз бундай тартибсизликларнинг содир бўлишига қаршилик кўрсатмас экан, бизнинг фикримизча сизлар автомобил ҳавфсизлиги учун ўта зарур бўлган компонентларини тайёрлашга жиддий ёндашмайсиз. Шунинг учун биз бундай маъсулиятсиз менежмент билан ҳамкорлик қила олмаймиз” деган экан. Шунинг учун ҳар бир ишлаб чиқариш корхоналарида биринчи навбатда тартиб интизомни йўлга қўйиб, кейин ишлаб чиқаришни бошлаш керак.

Гембадаги менежернинг вазифаси “сифат – харажатлар - етказиб бериш” коцепциясини амалга оширишдан иборат. Бироқ кўплаб муаммолар ва нормадан четга чиқиш холлари заводда ҳар куни учраб туради. Бу нуқсон маҳсулот, ускуналарнинг синиши, ишлаб чиқариш режасини бузиш ва ишга кеч келишидир. Ҳар сафар бундай муаммо юзага келганида менежмент шуни ҳал қилиш ва ўша сабаб туфайли шундай муаммо яна келиб чиқмаслиги учун бор куч ва билимини сарф қилиши керак. Муаммо ҳал бўлиши биланоқ, бу янги услуб стандартлаштирилиши керак ва у ISO стандартининг “режалаштириш –

бажариш – текшириш – амалга ошириш(такомиллаштириш)” циклида кўшилиши лозим. Шундай қилиб, стандартлаштириш гемба менежментининг бешинчи ва сўнги “олтин қоида” сидир.

Шунга кўра ҳеч бир белгиланган нормадан чиқиш кайдзендан фойдаланишга туртки беради ва ниҳоят, янги стандарт ўрнатиш ёки амалдагисини яхшиланишига омил бўлади. Стандартлаштириш кайдзен натижаларининг узулуксизлигини таъминлайди.

Стандарт тушунчасининг тавсияларидан бири бу “ишни энг юқори даражасида бажарилиши” дир.

Гемба одамлари унинг талабларини бажарадилар ва шу аснода истемолчининг ҳам талабини қониқтирадилар. Стандартлар иш бажаришининг энг яхши усуллари жамланган бўлиши учун бунда одамлар амаллар орқали фақат бир ишни бажарадилар. Шунинг учун менежмент ўз ишлари учун истемолчилар талабини тўла қондирувчи “Сифат, харажатлар, етказиб бериш” концепциясига биноан фақат битта стандартни очиқ ойдин асослаб беришлари керак. Менежерлар бундай стандартлаштиришни ўз бўйниларига ололмас эканлар, демак улар гемба бошқарувини ҳам ўз қўлларига ололмайдилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ушбу япон бошқарувидаги гемба ва кайдзен тизимларини ишлаб чиқариш корхонасидаги раҳбарлар ўзлари биринчи навбатда яхши тушиниб олишлари керак. Ишлаб чиқариш корхонасига тадбиқ қилишдан олдин ишчи ходимларни ушбу тизимни афзаллик томонларини ўқув семинарлари орқали ўқитиб тушунтиришлари лозим. Ҳозирги кунда Республикамиз ишлаб чиқариш корхоналарига бошқарувнинг замонавий чет эл тажрибаларини қўллаш энг муҳим омил ҳисобланади. Чет эл бошқарув тизимлари ҳақида маълумотларни ўқиб ўрганиб, ўз ишлаб чиқариш корхоналаримизга тадбиқ этсак, эртанги кунда ишлаб чиқараётган маҳсулотимизни жаҳон бозорларида ўз мавқеини эгаллаш учун тезроқ эришишга имкон берган бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
2. МАСААКИ ИМАИ. Гемба КАЙЗЕН, путь к снижению затрат и повышению качества. М., 2005.